

Нукуе шаҳри

Чокне қашасы

№ 135

«13» апрель 2019 ж.й

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айрим қарорларига ўзгартiriш киритиш ва ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги НФ-5490-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:


1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 20 мартдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғарма”сини ташкил этиш тўғрисида”ги 100-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” Низомининг 2-илоvasи ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича қузатув кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик ва идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўзлари қабул қилган ҳужжатларни белгиланган тартибда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Маъқур қарор ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Ў.С.Иришев

Вазирлар Кенгашининг
2019 йил __ апрелдаги
-сонли қарорига илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг давлат ва жамият
эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан
жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича
кузатув кенгаши
ТАРКИБИ**

№	ФИШ	Лавозими
1.	А.Тажетдинов	Вазирлар Кенгаши Раисининг Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, <i>Кенгаш раиси</i>
2.	А.Якубов	Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи
3.	Ж.Бердиханов	Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазири
4.	Е.Еденбаев	Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири биринчи ўринбосари
5.	М.Содиков	Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири
6.	К.Халмуратов	Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
7.	З.Камалов	Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси
8.	А.Шамуратов	Вазирлар Кенгашининг Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибияти бошлиғи, <i>Кенгаш котиби</i>

Изох. Ҳудудий жамғарма кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

